O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI
QIZIRIQ TUMANI
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКАЯ ОБЛАСТЬ
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
КИЗИРИКСКОГО РАЙОНА

190551, Qiziriq tumani, Ibn Sino ko'chasi 13-uy, tel.: 0(376) 35-91-159, fax: 0(376) 35-91-575

2019 yil "_27_" _Декабрь_ Қ-7537- sonli

Қизириқ туманида дам олиш кунлари савдо ярмаркалари ташкил этишни самарали йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари"га мувофиқ, туман ҳудудида дам олиш кунлари савдо ярмаркалари ташкил этиш билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қизириқ туман "Марказий деҳқон (озиқ-овқат) бозори" МЧЖ ҳудудида ҳар дам олиш кунлари савдо ярмаркалари ўтказилсин.

2. Туман давлат солиқ инспекцияси (Б.Чориев), туман ички ишлар бўлими (Ш.Абдиев), туман санитария-эпидемиология назорати маркази (Х.Қурбонназаров) ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда:

Қизириқ туман "Марказий деҳқон (озиқ-овқат) бозори" МЧЖ ҳудудида дам олиш кунлари савдо ярмаркаларини тайёрлаш, ўтказиш ва ёпиш бўйича зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқилишини;

дам олиш куни ярмаркалари ҳудудида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва уларни қайта ишлашдан олинган товарларни, шунингдек илгари фойдаланишда бўлган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини сотишга рухсат берилишини;

дам олиш куни ярмаркалари ҳудудида савдо ўринларининг бепул берилишини таъминласин.

3. Қуйидагилар:

товарга оид ҳужжатлар;

сотувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда дам олиш куни ярмаркаларида иштирок этиш ва маҳсулотларни сотишга рухсат берилиши белгилаб қўйилсин.

4. Мазкур қарор дам олиш кунлари бозор ҳудудида савдо ярмаркаларини ўтказишда бевосита қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан сотишга шарт-шароитлар яратиш учун махсус ажратилган жойларда амалга

оширилиши учун тадбиқ этилиши бўйича алоҳида назорат ўрнатилсин (байрам кунлари ташкил этиладиган савдо ярмаркалари бундан мустасно).

5. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ў.Чориев зиммасига юклатилсин.

Туман хокими **О.Мухаммадиев**



O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO
VILOYATI
QIZIRIQ TUMANI
HOKIMI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКАЯ
ОБЛАСТЬ
ХОКИМ
КИЗИРИКСКОГО РАЙОНА

190551, Qiziriq tumani, Ibn Sino ko’chasi 13-uy, tel.: 0(376) 35-91-159, fax: 0(376) 35-91-575

2019 yil “27” Декабрь 01-33/515 - sonli

Қизирик туман адлия
бўлими бошлиғи
Б.Чоршанбиевга

Қизирик туман ҳокимлиги Сизга Қизирик туман ҳокимлигининг “Дам олиш кунлари савдо ярмаркаларини ташкил этишни самарали йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор лойиҳасини Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасига кўра ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун юбормокда.

Туман ҳокими: **О.Мухаммадиев**

Баж: Ў.Тўрабоев
Тел: 35-92-280

Қизирик туман ҳокимининг “Дам олиш кунлари савдо ярмаркаларини ташкил этишни самарали йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойихаси юзасидан

МАЪЛУМОТНОМА

2019 йил 27 декабрь **Қизирик тумани**

Қизирик туман ҳокимининг “Дам олиш кунлари савдо ярмаркаларини ташкил этишни самарали йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари” талабларига асосан ишлаб чиқилган.

Ушбу қарор лойиҳаси тумандаги мутасадди ташкилотлар билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган.

Лойиҳа 2019 йилнинг 12 декабрь кунидан 2019 йилнинг 27 декабрь кунига қадар (regulation.gov.uz сайтида) жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Қизирик туман ҳокимлигининг ушбу қарори лойиҳаси қонун ҳужжатларига зид эмас ва қонунчилик техникаси талабларига жавоб беради.

Ушбу қарор лойиҳаси Норматив-ҳуқуқий тусдаги бўлганлиги боис ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши лозим.

Туман ҳокимлиги
бош юрисконсульти **Ў.Тўрабоев**

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ
АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ
ҚИЗИРИҚ ТУМАН
АДЛИЯ БЎЛИМИ
190800, Қизирик тумани, Мустакиллик кўчаси 1-уй.
Тел.: (990376) 35 91 696 Факс: (990376) 35 91 696
электрон почта:qiziriq-t@adliya.uz

УПРАВЛЕНИЕ ЮСТИЦИИ
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ
ОТДЕЛ ЮСТИЦИИ
КИЗИРИКСКОГО РАЙОНА
190800, Кизирикский,район улица Мустакиллик дом-1
Тел: (990376) 35 91 696 Факс: (990376) 35 91 696
электронная почта:qiziriq-t@adliya.uz

2019 йил 27 декабрь № 1-75/1-082

Қизирик туман ҳокими
О.Мухаммадиевга

2019 йил 27 декабрдаги
01-33/515-сонли хатингизга

Қизирик туман адлия бўлими Қизирик туман ҳокимининг “Қизирик туманида дам олиш кунлари савдо ярмаркалари ташкил этишни самарали йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси қонун ҳужжатлари ва қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини билдиради.

Ушбу қарор қабул қилингандан сўнг, расмий нашрда эълон қилиниши, Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1856, 2008 йил 10 сентябрь)га мувофиқ 3 кун ичида давлат ҳисобига олиш учун қоғоз ва электрон шаклларда туман адлия бўлимига тақдим қилиниши лозим.

Илова: хулоса ва қарор лойиҳаси 4 варақда

Қизирик туман адлия
бўлим бошлиғи **Б.Чоршанбиев**

Бир нусхасини олдим Н.Ҳамроев.
27.12.19 й.

Ижрочи: С.Ходжамкулов
тел: 76-3591696

“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”
Қизирик туман адлия бўлими бошлиғи
_____ Б.Чоршанбиев

Қизирик туман адлия бўлими томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш юзасидан
Х У Л О С А С И

2019 йил 27 декабрь Қизирик тумани

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни 18-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги 3666-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги тўғрисида”ги Низом талабларига асосан Қизирик туман ҳокимининг “Қизирик туманида дам олиш кунлари савдо ярмаркалари ташкил этишни самарали йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганда қуйидагилар

А Н И Қ Л А Н Д И :

Қизирик туман ҳокимининг “Қизирик туманида дам олиш кунлари савдо ярмаркалари ташкил этишни самарали йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари”га мувофиқ ишлаб чиқилган.

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6,25-моддасига асосан ушбу қарорни қабул қилиш туман ҳокими ваколатига киради.

Қарор лойиҳаси Қизирик туман “Марказий деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ билан келишилган.

Қарор лойиҳаси 2019 йил 12 декабрь кунидан 2019 йил 27 декабрь кунига қадар жамоатчилик муҳокамасидан 11075-рақам билан (regulation.gov.uz сайтида) ўтказилган.

Қизирик туман ҳокимининг мазкур қарори лойиҳаси қонун ҳужжатларига зид эмас ва қонунчилик техникаси талабларига тўлиқ жавоб беради.

Юқоридагиларга биноан, тақдим этилган қарор лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича

Х У Л О С А Қ И Л И Н Д И :

Қизирик туман ҳокимининг Қизирик туман ҳокимининг “Қизирик туманида дам олиш кунлари савдо ярмаркалари ташкил этишни самарали йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилганлиги ва қонунчилик техникаси талабларига мувофиқлиги қайд этилсин.

Қизирик туман адлия
бўлими бош маслаҳатчиси **С.Ходжамкулов**